



Шоҳиста СУЛТОНОВА
катта ўқитувчи
Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари
университети

БАДИЙ МАТНДА ЗАМОН КАТЕГОРИЯСИННИГ ИФОДАЛАНИШИ

Мақолада замон категорияси ва темпоралликнинг бадиий матндаги тасвирига хос хусусиятлар, жумладан, уларнинг шакл ва маънолари ўрганилади, темпораллик замоннинг физик ва фалсафий моҳиятини ифодаловчи функционал-семантик категория сифатида талқин қилинади.

В статье рассматриваются особенности описания категории времени, темпоральности в художественном тексте, в частности, их формы и значения. Темпоральность трактуется как функционально-семантическая категория, выражающая физическую и философскую сущность времени.

The article considers the problem of the category of time and temporality in the fictional texts, In particular, their forms and meanings. Temporality is regarded as functional-semantic category that reflects physical and philosophical essence of time.

Калит сўзлар: замон категорияси, темпораллик, функционал-семантик майдон, объектив ва субъектив замон, бадиий замон, грамматик замон, ретардация, дискретлик, индивидуал замон.

Ключевые слова: категория времени, темпоральность, функционально-семантическое поле, объективное и субъективное время, художественное время, грамматическое время, ретардация, дискретность, индивидуальное время.

Key words: category of time, temporality, functional-semantic field, object and subjective time, fictional time, grammatical time, retardation, discreteness, individual time.

Миллий-маданий хусусиятларни ўзида намоён қилувчи тушунчалар ичида замон ва макон категориялари муҳим феноменлардан ҳисобланади. Ҳар қандай миллатнинг тарихи, маданияти, турмуш тарзи ва онги тилда ўз аксини топади. Дунё манзарасида замон ва макон тушунчалари тил воситасида лексик бирликлар орқали ифодаланади. Замон категорияси, темпораллик тушунчасининг бадиий матнда тасвирланишига кўра алоҳида хусусиятларни ўрганиш муҳим масалалардан. Рус тилшунослигига А. В.

Бондарко, И. Р. Гальперин, Е. И. Шендельс, З. Я. Тураева, Г. А. Золотова ва И. О. Москальская тадқиқотларида темпорал жараёнлар ва уларнинг функционал-семантик майдонлари масалалари тадқиқ этилган. Ушбу ишларда темпораллик категорияси, асосан, бир бутун система деб эмас, балки алоҳида ички шакллар, лексик, морфологик, баъзан синтактик кўрсаткичлар сифатида ўрганилади. Темпораллик категориясининг маъноси нафақат морфологик, балки бутун лисоний-мазмуний аспектда идрок этилади. “Темпораллик, бу — замонни ифодаловчи турли лисоний воситалар: темпораллик ядроси грамматик замон ҳисобланувчи грамматик, лексик ва бирикмали воситалар тўплами ёрдамида намойиш этиладиган, замоннинг физик ва фалсафий моҳиятини ифодалайдиган функционал-семантик категориядир”(1, 19).

Таъкидланганидек, тилда замон категориясининг грамматик шакллари темпоралликнинг асосий кўрсаткичи ҳисобланади. Умумий тилшунослиқда темпораллик деб номланган ушбу ҳодиса сўнгги йиллари қўплаб олимларнинг тадқиқот объектига айланди. Рус тилшунослигида А. В. Бондарконинг бир неча илмий мақола ва ишлари пайдо бўлишига қарамай, темпораллик функционал-семантик майдони масаласига ойдинлик киритилмади. Шу боис олимлар темпоралликни соф бадиий замон сифатида ўргана бошладилар.

Темпораллик ҳодисаси учун (замон категорияси учун ҳам) фалсафий ва физик объектив замон ўлчамлари, шунингдек, табиат ҳодисалари замон ҳисобининг кўрсаткичлари сифатида хизмат қиласи. Замон ҳисоби эса объектив нуқтадан бошланади. Бу сўзловчи нутқининг ҳар бир бўлагида ойдинлашади, яъни тилда грамматик шаклда акс этади. “Ўқиши биринчи сентябрдан бошланади. Икки ярим ойлик умрни бекорга ўтказиши маслаҳат эмас эди.”(8, 128). А. В. Бондарко хулосасига кўра темпораллик – функционал-семантик структура, унга замон категориясининг грамматик шакллари ва синтактик структуралар билан бир қаторда лексик бирикмаларнинг кўпсонли комбинациялари ҳам киради: “Темпораллик категорияси – темпорал семантика ва уни тилда ифодалашнинг турли даражали воситалари системасининг икки томонлама бирлиги, яъни функционал-семантик категориядир”(1,5). Ушбу масала етарли даражада ўрганилмаганлиги сабабли тилшунослар бу категориянинг хусусиятларини бадиий замон ва замонга оид муносабатларда тадқиқ этиш билан чегараланмоқдалар. Бирок темпоралликни ўрганишнинг бугунги илмий

методи ушбу ҳодисанинг ички бўлинишини ўрганиш эмас, балки бадий замон мазмуний тузилишининг чуқур таҳлил қилиш ҳисобланади.

Темпоралликни тушуниш учун бадий асарда, матнда замоннинг қандай тасвирланиши ва идрок қилинишини аниқлаб олиш зарур. Реал ҳаётда замон бу — объектив вақтдир. Реал замон доим олдинга, ўтмишдан келажакка силжийди. Ҳатто, шу замонни инсон, ўз ҳиссиётларидан келиб чиқиб, мутлақо ҳар хил қабул қиласиди. Ўз идрокига қараб инсонга вақт, баъзан тез, баъзан секин ўтаётгандек туюлади. Бадий асарларда эса вақт баъзан олдинга ҳаракатланади, баъзан секинлашади, баъзан эса умуман тўхтаб қолади. “*Минутлари соатдай, соатлари кундай узун кўринган, қачон ўша кунлар бўлар экан, деб согинган, юрак уриб кутган вақтлар ҳам яқинлашиди*”(8, 128). Асарда ёзувчи танлаган мавзу бўйича воқеа охиридан олдинга силжиши мумкин, қандайдир босқичларни ташлаб ўтиши, қайсиdir вақт оралиғи эса тўлиқ ёритилиши мумкин.

Бадий асардаги замон биз тасаввур қилаётган ҳар қандай замонга қараганда бирмунча кенг ва ҳажмли хусусиятга эга. Шу ўринда “лирик чекиниш” илмий истилоҳини эслаш ўринли: “Бадий асарлардаги лирик чекиниш” (масалан, поэма ёки романда), бу — воқеани бирдан тўхтатиб қўйиш ва бирор иш-ҳаракатни зарур қулайликлардан келиб чиқиб, ўз хоҳишига кўра тасвирлаш. Бу чекинишнинг моҳияти тасвирланаётган воқеа билан тўғридан тўғри боғлиқ бўлмаслиги ҳам мумкин. Ушбу методнинг ҳам ўзига жалб қиласидан хусусиятлари мавжуд”(3, 227). Бироқ бу изоҳларда ҳам биз кўриб чиқаётган темпораллик масалаларини тўлиқ ёритувчи жавоблар мавжуд эмас.

Д. С. Лихачевнинг таъкидлашича, бадий ҳамда грамматик замонлар ушбу масалаларни ёзувчининг фалсафий идрок этиши боис яратилади. Объектив замоннинг фарқланиши турли субъектив қарашларда акс этади. Олимнинг фикрича, агар адиллар асарда воқеани ўз идрокидан келиб чиқиб тасвирлайдиган бўлса, иншода эса объектив замон турли манзараларда (қарашларда) идрок қилинади. Муаллиф замонининг бир нуқтада тўхташи унинг бошқа ҳудудда мустақил тарзда содир бўлиши мумкинлигига ишора қиласиди. З. Я. Тўраева муаллиф замони ўтган давр ёки аксинча, дастлабки даврга хос воқеаларни етказиб бериши ҳам мумкинлигини таъкидлайди. “*Бизнинг уйланишимизнинг тарихи жуда ҳам қизиқ. Ҳалиги айтганимдек, мен оддий чапани эдим*”(8, 153).

З. Я. Тўраева темпоралликни бадий асар табиати билан боғлайди. Унинг таъкидлашича, кўрилаётган масала узоқ йиллар давомида

файласуфлар ва физикларнинг тадқиқот обьекти бўлиб келган, аммо кейинги ўн йилликларда ушбу масала адабиётшуносликда ҳам, тилшуносликда ҳам ўз аксини топа бошлади. “Бадиий асар воқеалардан тузиладиган сюжет, яъни сюжетли замон сифатида тушунилади. Ҳар бир персонаж, реал борлиқнинг ҳар бир обьекти ўзининг шахсий замонига эга бўлади”(3, 54). Муаллифнинг фикрича, матн структурасини бадиий макон ва бадиий замон ташкил қиласиди. Замон ҳисоби тарихий хронология принциплари билан мос келмайди. Замондан анча йиллар, ҳатто бир неча асрлар аввал бўлиб ўтган воқеалар бадиий асарда бир вақтда тасвирланиши ҳам мумкин. З. Я. Тўраева муаллиф замони тасвирланаётган давр билан бирлашиб кетишини айтиб ўтади. Бундан ташқари, асарда аниқ вақт ва давр кўрсатилмайди, бир вақт бошқасига қарама-қарши қўйилади: “Ўзига хос антитета — муаллиф даври, ҳозирги озод рассом ўз ғоясини амалга ошириши мумкин бўлган пайтда қолган барча замонларга қарама-қарши қўйилади”(4, 74). Аслида ҳам, бадиий асарда замон бир, ёки бир неча қарама-қарши, баъзан эса параллел йўналишларда ҳам кечиши мумкин. Бизга маълум бўлган барча замон турлари бундай сифатга эга эмас. Бадиий замонда замоннинг энг асосий хусусиятларидан бири — тартиблиликтининг ўзига хос кескин ўзгаришdir. Агар обьектив борлиқда натижа сабабдан олдин келиши мумкин бўлмаса, бадиий оламда бундай баён усули кенг тарқалган. Бу одатда, бадиий асарда тугун деб номланувчи элементда ўз аксини топади.

Е. И. Шендельснинг фикрича, бадиий замон субъектив замоннинг барча хусусиятларини тил воситасида ифодалashi мумкин. Ўз қаҳрамонининг субъектив томонларини контекст доирасида образли ифодалаш учун ёзувчилар темпоралликнинг бутун системасидан фойдаланадилар. Бу — ретардация (картинани, воқеани секинлаштириш, кечиктириш), воқеани (иш-харакатни) тўсатдан тўхтатиб қўйиш ёки аксинча, замон суръатини, ўтишини тезлаштириш. Замоннинг қаҳрамон томонидан идрок қилиниши унинг кайфияти, хилма-хил бўёқларни қўллаш каби психологик ҳолат билан боғлик. Биргина грамматиканинг ўзи замон муносабатларининг бутун мажмуини ифодалаш имкониятига эга эмас. Ҳар бир феълни бошқаришда унинг роли жуда катта, бу — гапнинг ташкил қилувчи маркази, муайян замон шаклига кириш, бу шаклни анча умумий ёки хусусий маъно билан таъминлаш каби вазифаларни бажаради(5, 16).

М. Н. Левченконинг фикрича, бадиий матнда замон нафақат замоннинг феъл шаклини, балки унинг тузилишини ҳам ўзгартириши мумкин: “Грамматик замон категорияси функцияларининг контекст доираси таъсири

остида қатор янги сифатлар ва хусусиятларни орттиради. Бу билан боғлиқ холда кўрсатилишича, бадий матннинг темпорал тузилиши ушбу матннинг қатор элементлари, энг аввало, унинг асосий қисмлари — муаллиф нутқининг замон кўриниши ва персонажлар нутқининг замон кўриниши билан ҳосил қилинган мажмуй тушунча сифатида ўрганилади”(6, 21). Олимнинг фикрича, гарчи бадий асарда макон ҳам, олам ҳам уйдирма (ўйлаб топилган) экан, замон эса шартли, у баъзан қисқартирилади, баъзан узайтирилади, бир тўхтатилади ва давом эттирилади. Ёзувчи асарида учрайдиган географик манзиллар аслида ўйлаб топилмаган, улар ҳаққоний, у уларни ҳаққоний баҳолайди, аммо муаллиф бадий замони “мутлақо нореал концепция”, деб тушунтиради М. Левченко. Олим замоннинг бетўхтовлигини таъкидлар экан, гаплар орқали эмас, балки фақат матн воситасида идрок қилиш мумкинлигини, чунки алоҳида олинган гап фикрни тўлиқ етказа олмаслигини айтади. Гап ўз табиатига кўра, макондаги замон оқимини аниқ ифодалаб бера олмайди, фақат унинг доимий ҳолатини ёритади. Бадий замон оқимини тушуниш учун фикрни асарнинг бирор қисми ёки тўлиқ асар орқали ўтказиш ва қабул қилиш лозим. Олим фикрича, ўкувчи воқеа ва иш-ҳаракатларни, айниқса, ўтган замонда яхшироқ қабул қиласи ва тушунади. Бунинг сабаби шундаки, бўлиб ўтган воқеа, маълумотлар, янгилик ва бошқа ҳодисалар у учун жумбок эмас, улар унда ҳавотир, ишончсизлик туғдирмайди.

Фалсафада замон категорияси барча нарса-ҳодисаларни боғловчи универсал ташқи ва ички элементлар сифатида белгиланади, ҳодисалар реализацияси, дискретлик, узлуксизлик, мутлақлик, қиёсийлик, чеклилик ва чексизлик уни тавсифлайди ва унинг ҳаракати ҳамда ўзгаришини аниқлайди. Физикавий вақт ўлчов, қисмлар, ҳисоб сифатида таърифланади. У такрорийлик, дискретлик (кетма-кетлик, вақтда бўлиб ўтиш), метрик сифатлар (узоқлик, аниқлик, бир тартиблилик, даврийлик) каби хусусиятларга эга. Замонни ҳис қилиш — дунё ўлчамида физикавий вақтнинг кўрсаткичи эмас, бу — замоннинг қиёсий ва ифодавий баҳоланишидир. Ўтмиш, ҳозир ва келажак модуси бир бири билан боғлиқ ва узлуксиз бўлишига қарамай, физикавий вақтнинг шарти (гарови) ҳисобланади, у қайтмайдиган ва ортга силжимайдиган замондир. Замоннинг қиёсий модуси эса ўзгача. Бунда ҳаётий тушунишда алоҳида индивид ёки жамоанинг қарашларида замон қиёсий шаклда ҳисобга олинади, қабул қилинади ва баҳоланади. Индивидуал замон, яъни линеар замон — бу инсон кечиралигандан ҳаётнинг қисмлари: бутун ҳаёти, унинг туғилиши, болалиги, ўсмирлиги,

ёшлик даври, улғайған пайти, қарилік ва бошқалар. Цикликлик ва ўзгаришлар модуслари спиралсім он шаклда кечади, уларга йил фасллари — баҳор, ёз, күз, қишлоғ; фаслларнинг қисмлари — кун, ҳафта, ой, йил; бир кечакундуз қисмлари — кундуз, кечқурун, тун киради. Ҳар қандай мәданий-этнолингвистик маконий хусусиятлар темпорал ўлчамдаги миллий-мәданий идрок орқали акс этади. Масалан, күп халқларда баҳор — болалик, ёз — ўсмирлик, ёшлик, күз — улғайиш, қишлоғ — кексалик сифатыда тушунилади. “*Йигирма беш ёшиминг күклами*”(8, 126). “*Мұхаббат қүчогидай иссиқ ёз, өзарослар баҳт чөхрасидай хол тоган, қызылуруғ қовунлар шундай шириң*”(9, 150). Замон күрсаткичларини тадқиқ қылған Ю. К. Лукоянова шундай ёздади: “Замон кундалик онг даражасыда мавхұм фалсафий категория ёки макон-замон континуумидаги (замонавий физикавий терминлар) түртінчи координата каби мавхұм түшунчадек тасаввур қилинмайды. Инсон замонни идрок қилишга асосланған субъектив замон категориялари билан фикрлайды”(7, 151). Муаллиф ҳаёт ва замон ўртасидаги муносабатлар мазмуніда фарқлы томонларни чуқурроқ очиб берішга ҳаракат қылады: “Замон ва умр лексемалари күп ҳолларда бирга ишлатылади ва бу бежиз эмас: замон, энг аввало, муайян инсон умрининг воқеалари билан долзарбдір. Инсон лисоний онги учун замоннинг сифат хусусиятлари хосдір: замон — воқеалар макони сифатыда умр учун бошқа ном ҳисобланади, умр эса замон категориялари орқали идрок қилинади ва тасвирланади (онлар, лаҳзалар, даврлар...)”(8, 155). “*Қувноқ, баҳтли, саодатли умр жуда секин ўтиб туради*”(8, 128). “*Үша куни кечгача умрим келган-кетғанларни кузатиши билан ўтди*”(8, 139).

Замоннинг темпорал хусусиятларини ҳамда унинг бадий ва фалсафий замонга нисбатан қисмларини ҳисобға олған ҳолда, қуйидеги хуносаларни билдириш мүмкін:

- а) асардаги бадий замон ҳамда грамматик замон түшунчалари мутлақо ҳар хилдір;
- б) бадий ва грамматик замонлар ўртасыда ўзаро ўхашликлар мавжуд;
- в) замонни белгилаш учун ҳисоб вектор нолидан олиб борилса, бадий замон учун бу шарт эмас;
- г) грамматик замонга нисбатан олғанда бадий замон муайян иш-харакатнинг маълум макондаги түлиқлиги, жипслигини ифодалаш хусусиятига эга;

д) бадиий замон грамматик замонга бир шаклдан бошқа шаклига ўтиш имконини беради.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1. Бондарко А. В., Беляева Е. И. и др. Теория функциональной грамматики. Темпоральность. Модальность. — Л: Наука, 1990. — 263 с.
2. Лихачев Д. С. Поэтика древнерусской литературы. — СПб., 1999.
3. Тураева З. Я. Категория времени. Время художественное и время грамматическое (на материале английского языка). — М.: 1979. — 219 с.
4. Тураева З.Я. Лингвистика текста (Текст: структура и семантика). — М.: ЛИБРОКОМ, 2009. — 126 с.
5. Шендельс Е. И. Категория времени в коммуникативном аспекте// ИЯШ, №4, 1986. — С. 16-21.
6. Левченко М. Н. Темпорально-локальная архитектоника художественных текстов различных жанров. Автореферат дисс. учен. степ. докт. наук. — М., 2003. — 43 с.
7. Лукоянова Ю. К. Восприятие времени в русской языковой картине мира// Русская и сопоставительная филология: Лингвокультурологический аспект. — Казань: Казан.гос.ун. 2004. — С. 150–155.
8. Ғулом Ғ. Танланган асарлар. — Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матба ижодий уйи, 2003. — 352 б.